

Хисобот-сайлов йиғилишлари:

САРҲИСОБ, ТАҲЛИЛ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2019 йил 25 декабрдаги Раёсат қарори билан тизимдаги касаб уюшмалари органларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида тасдиқланган Низомни меҳнат жамоалари кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ваколат мuddатлари тугаши муносабати билан ташкил этиладиган ҳисобот-сайловлари (конференция, қурултой) 2020 йилнинг февраль-апрель ойларида цех, бошланғич, бирлашган касаб уюшма ташкилотларининг ҳисобот-сайловлари, конференциялари, май ойида касаб уюшмалари туман, ҳудудий бирлашган, шаҳар ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари, июль-августда эса тармоқ касаб уюшмаларининг Қурултойлари ўтказилиши белгиланган. Аини вақтда жойларда меҳнат жамоаларида бошланғич, бирлашган касаб уюшмаси ташкилотларининг ҳисобот-сайловлари қизгин ўтмоқда.

Тошкент вилояти

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги «Биринчи резинатехника заводи» масъулияти чекланган жамияти касаб уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.



Қониқарли фаолият

Унда корхона бош директори Фуломжон Ибрагимов ҳамда касаб уюшма қўмитаси раиси Жасурбек Абдалиев ижтимоий шериклик асосида ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Жамоа шартномасида ходимлар даромадини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофа-

заси, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш масалалари ўрин олгани алоҳида эътироф этилди. Йиғилишда касаб уюшма қўмитаси раиси Жасурбек Абдалиевнинг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли, деб баҳо-

ланиб, кўпчилик овоз билан беш йилга қайта сайланди.

Шаҳина Жўраева,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

Тошкент вилояти

Фикр-мулоҳазаларга бой бўлди

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши тасарруфидаги корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Хусусан, «Ғазалкент мева» МЧЖ ва Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бошланғич касаб уюшма ташкилоти томонидан ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномасининг 2019 йил ижросига бағишланган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши амалга оширилган ишларни эътироф этиш билан бир қаторда, турли фикр-мулоҳазаларга бой бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

бари Ф.Норматов, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бош директори У.Мирзақулов, касаб уюшма қўмитаси раислари Н.Эминова ва Ҳ.Аширметовларнинг амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Бошланғич касаб уюшма қўмитасининг иши қониқарли деб баҳолалиб, «Ғазалкент мева» МЧЖга Наргиса Эминова ва Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғига Ҳикмат Аширметов касаб уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайландилар.

Сайёра МИРЗОЯҚУБОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши раиси

Таркиб янгиланди

Тошкент фармацевтика институтида бошланғич касаб уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.



Касабакўм сайланди

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Бўка тумани кенгаши тасарруфидаги «Buka Agro Gluster» МЧЖ бошланғич касаб уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда корхона касаб уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти ва келгусидаги вазифалар тўғрисида маълумот берилди. Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг хулосаси ва касаб уюшма аъзоларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилишда касаб уюшма қўмитасининг янги аъзолари ва раиси, шунингдек, туман кенгаши конференциясига номзодлар сайланди.

Шаҳноза АҲМЕДОВА,
Тошкент вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ижтимоий сўғурта бўлими мутахассиси



Намунали тарзда

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институтида бошланғич касаб уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда институт директори Комилжон Тожибоев ҳамда касаб уюшма қўмитаси раиси Орзимат Турғуннинг ҳамкорлиқда олиб борилаётган ишлар, жамоа шартномасининг 2019 йилда бажарилиши юзасидан ҳисоботи тингланди.

Сўзга чиққанлар Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида билдирилган фикрлар, шунингдек, сўнги йилларда давлатимиз томонидан илм-фан, айниқса, олимларга қўрсатилаётган эътиборни эътироф этишди. Шу билан бирга, касаб уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш борасидаги ишлари намунали тарзда йўлга қўйилгани ҳақида атроф-лича сўз юритилди.

Йиғилишда бошланғич касаб уюшма ташкилоти янги таркиби ва Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаб уюшма қўмитаси конференциясига делегат сайланди.

Абду РАҲМОНОВ

Барча масалалар қамраб олинди

Юнусобод туманидаги 96-умумтаълим мактаби касаб уюшма қўмитасининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда жамоа шартномасининг 2019 йилги ижроси ҳамда 2020 йилга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Ҳисобот-сайловда фаолият қониқарли деб топилиб, касаб уюшма қўмитаси раислигига Гулсара Сайдалиева бир овоздан сайланди.

Йиғилиш асосида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши мутахассиси Лазоқат Турикова ишчи-ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий соҳадаги саволларига жавоб берди ва педагогларга «Касаб уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунчалар берди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



Меҳнат қонунчилиги талаблари асосида

сўз борди. Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат қонунчилиги талаблари асосида муносиб меҳнат шартини билан таъминлаш борасида бошланғич касаб уюшма қўмитаси томони-

дан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Йиғилишда бошланғич касаб уюшмаси аъзолари ва раиси сайлаб олинди.

Гулсара САЙДАЛИЕВА

Юнусобод туманидаги 250-мактабда бошланғич касаб уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Унда жамоа шартномасининг бажарилиши ва келгуси йилдаги режалар ҳақида

Самарқанд вилояти

Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳамда Боёвот енгил саноат агросервис касб-ҳунар коллежи бошланғич касаб уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Қўшимча имтиёзлар берилади

Уларда бошланғич касаб уюшма ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолияти атроф-лича таҳлил қилиниб, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтиришга доир қўшимча имтиёзлар бериш юзасидан янги мuddатга жамоа шартномаси қабул қилинди.

Уюшма қўмитаси аъзолари ва раиси, туман кенгаши конференциясига делегатлар сайланди.

Рустам МИРҲОЖИЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масаласи бўйича бош мутахассиси

Хоразм вилояти

Муносиб баҳоланди

«Ватанпарвар» ташкилоти Хива тумани ўқув спорт-техника клубида жамоа шартномасининг 2019 йилдаги ижросига оид ҳамда касаб уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди.

Ташкилотда 30 нафар касаб уюшма аъзоси фаолият кўрсатади. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаб уюшма қўмитаси ва маъмурият ҳамкорлигида қатор ишлар олиб борилмоқда. Музокарада сўзга чиққанлар

касаб уюшма фаолиятини муносиб баҳоладилар. Шу боис, бошланғич ташкилот раиси Зумрад Рўзметовага қайта ишонч билдирди.

Тадбир асноси Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси масъул ходими Шаҳбоз Саидхонов, Хоразм вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Қахрамон Машарипов, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул

ташкилотчиси Шокир Аллаберганов кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар аҳамияти, касаб уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, «Касаб уюшмалари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти ҳақида тўхталдилар.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Муҳаббат Тўрабоева,
«ISHONCH»



